

ISSN 2181-5674

PROBLEMS OF
BIOLOGY *and*
MEDICINE

**БИОЛОГИЯ *ва*
ТИББИЁТ**
МУАММОЛАРИ

2021, № 4 (129)

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**PROBLEMS OF
BIOLOGY AND MEDICINE**

**БИОЛОГИЯ ВА ТИБИЁТ
МУАММОЛАРИ**

**ПРОБЛЕМЫ БИОЛОГИИ
И МЕДИЦИНЫ**

Научный журнал по теоретическим и практическим
проблемам биологии и медицины

основан в 1996 году

Самаркандинским отделением
Академии наук Республики Узбекистан
Выходит один раз в 2 месяца

Главный редактор – Ж.А. РИЗАЕВ

Редакционная коллегия:

*Н.Н. Абдуллаева, С.А. Блинова,
С.С. Давлатов, Ш.Х. Зиядуллаев,
З.Б. Курбаниязов (зам. главного редактора),
К.Э. Рахманов (ответственный секретарь),
Б.Б. Негмаджанов, М.Р. Рустамов, Н.А. Ярмухамедова*

***Учредитель Самаркандинский государственный
медицинский институт***

2021, № 4 (129)

Адрес редакции:

Республика Узбекистан, 140100,
г. Самарканда, ул. Амира Темура, 18.

Телефон:

(99866) 233-36-79

Факс

(99866) 233-71-75

Сайт

<http://pbim.uz/>

e-mail

pbim@pbim.uz


sammi-xirurgiya@yandex.ru

О журнале

Журнал зарегистрирован
в Управлении печати и информации
Самаркандской области
№ 09-26 от 03.10.2012 г.

Журнал внесен в список
утвержденный приказом № 219/5
от 22 декабря 2015 года реестром ВАК
при Кабинете Министров РУз
в раздел медицинских наук

Индексация журнала



Подписано в печать 23.09.2021.

Формат 60×84 1/8

Усл. п.л. 29,76

Заказ 343

Тираж 100 экз.

Отпечатано

в типографии СамГосМИ.

140151, г. Самарканда,

ул. Амира Темура, 18

Редакционный совет:

Х.А. Акилов	(Ташкент)
М.М. Амонов	(Малайзия)
Т.У. Арипова	(Ташкент)
О.А. Атаниязова	(Нукус)
А.В. Девятов	(Ташкент)
Б.А. Дусчанов	(Ургенч)
А.Ш. Иноятов	(Ташкент)
А.И. Икрамов	(Ташкент)
А.К. Иорданишвили	(Россия)
Б. Маматкулов	(Ташкент)
Ф.Г. Назиров	(Ташкент)
А.Ю. Разумовский	(Россия)
В.М. Розинов	(Россия)
Л.М. Рошаль	(Россия)
Ш.Ж. Тешаев	(Бухара)
А.М. Шамсиев	(Самарканда)
А.К. Шодмонов	(Ташкент)
А.М. Хаджибаев	(Ташкент)
Б.З. Хамдамов	(Бухара)
М.Х. Ходжигеков	(Ташкент)
Diego Lopes	(Италия)
Jung Young Paeng	(Корея)
Junichi Sakamoto	(Япония)
May Chen	(Китай)
Rainer Rienmuller	(Австрия)
Sohei Kubo	(Япония)

Файзиев Х.Б., Саламов В.Б.
Бош мия жароҳатидан сўнг 14 кун давомида лаборатория каламушларининг талоқ тўқимасида кечган морфологик ўзгаришлар

Хусейнова Г.Х.
Уч ойлик оқ зотсиз каламуш буйракларининг норматив морфометрик кўрсаткичлари

Обзор литературы

Абдурахимова Л.А., Гадаев А.Г.

Тиббий таълимда инновацион ёндошув: оиласи шифокорларни тайёрлашда илмий изланувчанлик қобилиятини ривожлантириш

Ахмедов Р.Ф., Нормаматов Б.П., Нарзуллаев С.И., Турсункулов Ж.К.

Куйиш сепсисининг этиопатогенези ва диагностикаси аспектлари

Баратов М.Б., Курбаниязов З.Б., Аскаров П.А.
Ўт-тош касаллиги асорати сифатида сафроли перитонитнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, диагностикаси ва даволаш муаммоси

Гадаев А.Г., Абдурахимова Л.А., Ахмедов Х.С.
Тиббий таълим: истиқболли режалар, ривожлантириш тамойиллари, мавжуд муаммолар ва ечимлар

Индиаминова Г.Н.

Коронавирусная (COVID-19) инфекция во время беременности: клиническое течение и перинатальные исходы

Исмаилов С.И., Туксанов А.И.

Современное состояние проблемы хирургического лечения внепеченочной портальной гипертензии

Маматалиев А.Р., Орипов Ф.С.

Экспериментал жигар циррози шароитида тўғри ичак интрамурал нерв, диффуз эндокрин ва иммун аппаратларининг морфологияси

Оллаберганов М.И., Рузибаев Р.Ю.

Остеопороз касаллигининг келиб чиқишида ошқозон резекциясининг аҳамияти

Умуррова Н.М.

Полинознинг экологик томонлари

Эргашев А.Х., Юлдашев Б.А., Маматкулова Ф.Х.

Новые представления о бронхиальной астме у детей

197

Fayziev Kh.B., Salamov V.B.

Morphological changes in the spleen tissue of laboratory rats on day 14 after traumatic brain injury

201

Khuseynova G.Kh.

Regulatory morphometric indicators of kidneys of three monthly white rats

Review of the literature

204

Abdurakhimova L.A., Gadaev A.G.

Innovative approach to health education: development of scientific research capacity in training family doctors

210

Akhmedov R.F., Normamatov B, Narzullaev S.I., Tursunkulov J.

Aspects of etiopathogenesis and diagnosis of burn sepsis

214

Baratov M.B., Kurbaniyazov Z.B., Askarov P.A.
The problem of the emergence, development, diagnosis and treatment of biliary peritonitis as a complication of gallstone disease

221

Gadaev A.G., Abdurakhimova L.A., Akhmedov Kh.S.

Medical education: perspectives, development principles, existing problems and solutions

226

Indiaminova G.N.

Coronavirus (COVID-19) infection in pregnancy: clinical course and perinatal outcomes

230

Ismailov S.I., Tuksanov A.I.

Current state of the problem of surgical treatment in extrahepatic portal hypertension

235

Mamataliyev A.R., Oripov F.S.

Morphology of the intramural nervous, diffuse endocrine and immune apparatus of the rectum in experimental liver cirrhosis

239

Ollaberganov M.I., Ruzibaev R.Yu.

Influence of gastric resection on osteoporosis

245

Umurova N.M.

Ecological aspects of pollinosis

249

Ergashev A.Kh., Yuldashev B.A., Mamatkulova F.Kh.

New concepts of bronchial asthma in children

**ТИББИЙ ТАЪЛИМ: ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР, РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ,
МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**



Гадаев Абдигаффор Гадаевич, Абдурахимова Лола Анваровна, Ахмедов Халмурад Садуллаевич
Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**МЕДИЦИНСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПЕРСПЕКТИВЫ, ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ,
СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ**

Гадаев Абдигаффор Гадаевич, Абдурахимова Лола Анваровна, Ахмедов Халмурад Садуллаевич
Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**MEDICAL EDUCATION: PERSPECTIVES, DEVELOPMENT PRINCIPLES, EXISTING
PROBLEMS AND SOLUTIONS**

Gadaev Abdigaffor Gadaevich, Abdurakhimova Lola Anvarovna, Akhmedov Khalmurad Sadullaevich
Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: ldzhalolova@inbox.ru

Резюме. Мазкур мақолада таълим жараёни хусусан тиббий таълимнинг ўзига хос томонлари ривожланишидаги истиқболли режалар, тиббиётда фаолият юритувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда долзарб бўлган йўналишлар, амалга ошириши лозим бўлган чора тадбирлар, соғлиқни сақлаши тизими ва таълим соҳасининг ўзаро интеграциясида муҳим бўлган жараёнлар, мавжуд муаммолар ва уларни ечими бўйича фикрлар акс эттирилган.

Калим сўзлар: тиббий таълим, таълим жараёни истиқболли режалар замонавий усуслар, технологиялар, халқаро ҳамкорлик.

Abstract: The article describes the educational process, in particular, the features of medical education, long-term development plans, current trends in the training of highly qualified medical specialists, measures to be taken, important processes of integration of healthcare and education, existing problems and their solutions.

Key words: medical education, perspective plans of the educational process, modern methods, technologies, international cooperation.

Долзарблиги. Тиббиёт соҳасида халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Таълим жараёни иштрокчилари олдида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича фан дастурларини такомиллаштирилган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш вазифалари кўйилган. Лекин айрим

ҳолларда мазкур жараённинг самарали амалга оширишда кадр истеъмолчиларининг сусткашлиги ҳамда ишлаб чиқариш билан интеграция жараённинг тўғри йўлга кўйилмаганлиги кузатилади. Ушбу вазифани ижобий ҳал қилишда соғлиқни сақлаш тизими бирламчи ва иккиласми бўғинида фаолият юритаётган мутахассислани таълим жараёнига фаол жалб этиш ҳамда рағбатлантириш механизmlарини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ўкув жараённида бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усусларининг таъсирчанлигига холисона баҳо беришда ушбу жараёнга масъул бўлим ва бошқармалар томонидан тизимли ишлар амалга

оширилмоқда. Лекин аниқлангани камчиликларни бартараф этишда таълим жараёни сифатига бевосита таъсир қилувчи омиллар мониторинг жараёнидан айрим ҳолатларда чеккада қолмоқда. Мазкур жараёнда фанлар кесимида барча кафедралар хамда мавжуд лабораторияларда барча турдаги машғулотларни ўтказишида лозим бўлган тиббий жиҳозлар, асбоб ускуналарнинг етарлилиги, улардан мақсадли кўлланилиши, талабаларнинг мустақил таълим жараёнида фойдалана олишига алоҳида эътибор қаратмок лозим.

Ўзбекистон Республикасининг барча тиббиёт олийгоҳларида тиббий олий таълимни ривожлантириш борасида истиқболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, хорижий профессор-ўқитувчилар ва ватандошларни жалб этиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Мазкур жараён талабаларни ривожланган давлатлар тиббиёти ва таълим жараёни билан танишиш, амалиёт ўташ ва стажировкаларни кенгайтиришга йўл очмоқда. Шу билан бирга масофавий, онлайн мулоқот имкониятларининг кенгайиши ҳам ўз навбатида

халқаро ҳамкорликнинг ўзига хос ривожланишига туртки бўлмоқда.

Таълим жараёнида, хусусан тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда профессор ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда кучайтириш, хорижий илмий-тадқиқот ҳамда олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, стажировкаларини ташкил этиш жараёни ўзига хос талқинда амалга оширилмоқда. Аммо малака ошириб келган мутахассисларнинг асосан шифокорлик фаолиятида тажрибалари татбиқ қилинмоқда, педагогик ёндошувлар, интерфаол усуллар ва технологияларни қўллаш борасида эса мутахассисларнинг таълим жараёнига бевосита йўналтирилган малака оширишлари тўлиқ йўлга қўйилмаган. Сўнгги йилларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида хорижий мутахассислар томонидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларига доир янгиликлар, тамойиллар, амалга оширилаётган жараёнлар бўйича семинар тренинглар доимий равишда ўтказилиши таъминланмоқда.

Тиббий таълимнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, соҳада соғлом рақобат мухитини шакллантириш мақсадида маҳаллий рейтинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, олий таълим муассасалари ўртасида бир қатор кўрсаткичлар таҳлил қилинмоқда. Лекин мазкур йўналишда ўзига хос тўлиқ хал бўлмаган

муоммолар яъни замонавий ўқув бинолари, талабалар турар жойи, ахборот ресурс марказларни, виварий, экспериментал лаборатория, медиа-марказ, замонавий нашриёт ва ИТ – паркларнинг этишмаслиги мавжуддир. Бу ўз навбатида хорижий талабалар учун жозибадорлики кўрсаткичининг пасайишигасабаб бўлиши мумкин. Давлатимиз томонидан ушбу масалалар бўйича режали чора тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таълим жараёнида назарий ва амалий билим интеграциясини таъминлаш, талабаларнинг амалий қўникмаларни автоматизм даражасида бажаришлари учун ўқув симуляцион марказлар ташкил этиш, мутахассислик кафедраларини замонавий манекен, “аклли” бемор, робот симуляторлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш тиббий таълимнинг жаҳон стандартларига мос равиша ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Симуляцион таълим жараёнининг жорий этилишида талабаларнинг нафакат назарий балки амалий билимларни мустаҳкамлаш, амалий қўникмаларни автоматизм даражасида бажаришларига ҳамда шифокорлик фаолиятида асосий текширув усуллари, ташхислаш ва даволаш муолажаларини бемор ҳаётига хавф солмасдан бажаришларига имкон беради.

Талабаларни амалий машғулотларни ўзлаштиришини сифатли ташкил қилиш, назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш самарадорлиги ошириш мақсадида фундаментал фанлар кафедраларини замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, электрон интерактив ўқитиши воситалари билан таъминлаш муҳим тадбирлардан бири бўлиб, мазкур жараённи узлуксизлигини таъминлашда иқтисодий таъминот механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тиббий таълим жараёнини илмий тадқиқот жараёнлари билан ўзаро интеграциясини таъминлашда ёш олимлар, педагоглар ва талабаларни илмий ишларини самарали ташкил қилиш, амалга ошириладиган илмий изланишларни бажаришга шароит яратиш мақсадида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Олий таълим муассасалараро илмий текшириш лабораториясини ташкил этиш муҳим вазифалардан бириди. Хозирда илмий тадқиқот жараёнларини сифатли амалга ошириш борасида марказлашган ёндошув муоммоси мавжуд бўлиб, амалга оширилаётган илмий ишларнинг сифати, давом эттириш борасидаги имкониятларнинг, бажарилиги лозим бўлган усулларнинг тадқиқотчиларнинг асосан ўз имкониятидан келиб чиқкан ҳолда бажарилиши ва шу билан бирга олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилишида кузатилаётган камчиликлар

марказлашган илмий текшириш лабораториясини ташкил этиш ва барча тадқиқотчиларнинг бажарган ишларига доир маълумотларни киритиш, ягона база яратиш кейинги илмий ишлар самарадорлигини оширишга ҳамда мониторинг, назорат жараёнини олиб боришига туртки бўлади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда тиббиёт олий таълим муассасаларининг узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, тиббиёт таълим жараёнини ривожлантириш куйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилиши лозим (1-жадвал). Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва кадрлар буюртмачиларини жалб этиш бўйича куйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

–халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигига юқори малакали, замонавий билим ва кўнималарга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрловчи, етакчи таълим ва илм-фан муассасаси – фаолиятини жаҳон талабларига мос равища даёвла таълимни таъминлаштириш; –олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, худудий ва тармок дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари,

жаҳон миқёсидаги технологик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини кенгайштириш ҳамда амалиёт ўтказишига тўлиқ имкон берувчи клиникаларда зарур шарт шароитларни яратиш;

–жаҳон талабларига мос ёндошув асосида таълим жараёнини амалга ошириш мақсадида академик ва молиявий мустақилликка эришиш, ташкилий тузилмани таълим муассасасининг илмий кенгаш қарори билан тасдиқлаш, тузилмага ўзгаришиш киритиш ҳуқуқини тадбиқ этиш;

–таълим муассасанинг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиқсан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

–«Халқаро эксперталар кенгаши»ни ташкил этиш ва таркибига хорижнинг тиббиёт соҳасидаги етакчи мутахассислари, халқаро эксперталар ҳамда иирик хорижий университетлар ва тиббиёт муассасаларида катта илмий ва амалий натижаларга эришган таниқли ватандошларни жалб этиш;

Жадвал 1. Устивор йўналишлар.

Юқори малакали ҳамда кадрлар буюртмачилари талабига жавоб берадиган замонавий билим ва кўнималарга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш жараёни сифатини ошириш

Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, таълим ва тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлик ишлар самарадорлигини ошириш

Илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннынг инновацион инфратузилмасини шакллантириш

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш

Молиявий мустақиллик ва барқарорликни таъминлаш, моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш; тизимли ривожланиш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш

Инвестициявий жозибадорликни ошириш, халқаро миқёсда танилиш ва рақобатбардошликтини таъминлаш.

Жадвал 2. Таълим сифатига таъсир килувчи йўналишлар.



- замонавий ўқув ва илмий адабиётлар электрон базасини шакллантириш, кутубхонани халқаро илмий маълумотлар базасига улаш;
- янги ахборот – ресурслар марказини ташкил этиш, инновацион таълим воситалари билан таъминлаш, уларни фаолиятини рақамлаштириш;
- таълим жараёнида телемедицина ҳамда илғор педагогик технологияларни жорий этиш.



- талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, тадбиркорлик кўнгилмаларини шакллантириш;
- мустақил таълим соатлари улушкини ошириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш;
- ўқув жараёнини амалий кўнгилмаларни шакллантиришга йўналтириш, бу борада ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш.



- талабалар билимини баҳолаш тизими технологияларини такомиллаштириб бориш ва холисоналигини таъминлаш;
- илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;
- таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш.

–битириувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида таълим жараёнида ўқув-лабораториялар базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фандастурларида соғлиқни сақлаш тизимидағи долзарб, ечимини топиши лозим бўлган билимларни акс эттириш, ўқув жараёнида назарий таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;

–тиббий олий таълим соҳасида рақобат мухитини кучайтириш, таълим йўналишларини кенгайтириш мақсадида таълим йўналишларини, кадрлар танқислиги кузатилаётган соҳалар бўйича магистратура, клиник ординатура, интернатура мутахассисликларини ҳамда тиббиёт ходимларини дипломдан кейинги малакасини ошириш факультетини босқичма босқич очиш;

–олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қуляйликлар яратиб бериш.

Шу билан бирга бир қатор йўналишлардаги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ўқув жараёни сифатининг ҳамда халқаро рейтинг кўрсаткичларининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади (2-жадвал).

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараққиётининг янги истиқболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илғор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди.

Шу билан бирга, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда рўй беради. Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг кўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи хисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Бинобарин, ҳар бир давлат ва жамият равнақи ёш авлоднинг камолоти, интилиши, шижаоти билан узвий боғлиқ. Шу маънода, юртимизда давлат бюджетидан ижтимоий соҳага, жумладан, таълим тизими ислоҳотларига йўналтирилаётган сармоялар мунтазам ошиб бораётгани, таълим соҳасидаги қонунлар ва

давлат дастурлари доирасида юкори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдек долзарб вазифалар муваффақиятли бажарилаётгани алоҳида эътирофга моликдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори. //Ж.: Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Қарорлари тўплами. - Тошкент, - 2006. - № 2. - Б. 2-4.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Хдракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 3151 сонли Қарори.
6. Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида”ги ПҚ-2909-сон Қарори.

7. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. //Пед. фан. док. дисс. -Т.:2 0 0 7 .-3 0 5 б.
8. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004. З. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
9. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 260 б.
12. Шодмонова Ш. Олий ўқув юрти талабаларида мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими йуналиши мисолида) Пед. фан. док. дисс. - Тошкент. -2010. - 340 б.
13. Халиков А.А. Some Aspekte of improving Professional Skill of Pedagogical Staff. //Eastern European Scientific Journal. AURIS Kommunikations- und Verlagsgesellschaft mbH D usseldorf- Germany. Ausgabe 1.-2017. - Р. 183- 187.

МЕДИЦИНСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ПЕРСПЕКТИВЫ, ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ, СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Гадаев А.Г., Абдурахимова Л.А., Ахмедов Х.С.

Резюме. В статье описывается образовательный процесс, в частности, особенности медицинского образования, перспективные планы развития, современные тенденции в подготовке высококвалифицированных медицинских специалистов, меры, которые необходимо предпринять, важные процессы интеграции здравоохранения и образования, существующие проблемы и их решения.

Ключевые слова: медицинское образование, перспективные планы учебного процесса, современные методы, технологии, международное сотрудничество.